



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

МИКРОМОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ЛОМБАРДЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ШАРҲИ

2025 йил I ярим йиллик якуни бўйича

Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг молиявий ҳолати шарҳи

Мазкур шарҳ 2025 йилнинг I ярим йиллик яқунлари бўйича микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг асосий ҳамда молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, хусусан активлари, мажбуриятлари, капитал ва даромадлилигида юзага келган асосий тенденцияларни изоҳлайди.

I. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар инфратузилмалари


2025 йилнинг I ярим йиллиги давомида микромолиявий хизматлар бозорида янги иштирокчи сифатида **20 та** микромолия ташкилоти, уларнинг **139 та** филиаллари (*99 та микромолия ташкилоти ва 40 та ломбардлар*) ташкил этилиб, умумий сони **210 та**, шундан микромолия ташкилотлари **120 та** (*филиаллар сони 335 та*) ва ломбардлар **90 тага** (*филиаллар сони 111 та*) етди.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар таркибида чел эл капитали мавжуд бўлган микромолия ташкилотлари сони ўтган йилнинг I ярим йиллигига нисбатан 5 тага ортиб, 2025 йилнинг I ярим йиллигида **20 тага** (*микромолия ташкилотлари 12 та ва ломбардлар 8 та*) етган.


1-чизма

2-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар бош офислари сони



Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг филиаллари сони




Бунда, фаолият юритаётган микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг энг кўп қисми **Тошкент шаҳри (64 та микромолия ташкилоти ва 47 та ломбард)** ва **Фарғона вилояти (19 та микромолия ташкилоти ва 4 та ломбард)** ҳиссасига тўғри келса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятларида **1** тадан бош офислари жойлашган.

Дислокация бўйича **Тошкент** шаҳрида ломбардларнинг **36 та** филиаллари ва микромолия ташкилотларининг **31 та** филиаллари фаолият юритса, **Сирдарё** вилоятида мазкур кўрсаткич мос равишда жами **3 та** ва **10 тани** ташкил этади.


3-чизма

4-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар бош офисларининг ҳудудлардаги тақсимооти



Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг филиаллари сонининг ҳудудлардаги тақсимооти




II. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредитлаш амалиётлари ва уларнинг сегментацияси

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан 2025 йил йилнинг январь-июнь ойларида жами **13,3 трлн сўм** миқдоридан кредитлар ажратилиб, кредитлаш миқдори ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,1 баробарга**, хусусан микромолия ташкилотларида **2,2 баробар** ва ломбардларда **31 фоизга** ошган. Бунда, кредитлашнинг **90 фоизи (12,0 трлн сўми)** микромолия ташкилотлари ва **10 фоизи (1,3 трлн сўми)** ломбардлар ҳиссасига тўғри келган.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилган хизматларнинг **12,8 трлн сўми** ёки **97 фоизи жисмоний шахслар** ва **417 млрд сўми** ёки **3 фоизи юридик шахслар** ҳиссасига тўғри келади.

5-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредитлар миқдори




Манба: Марказий банк маълумотлари

Ажратилган кредитлар сегментациясида 2025 йилнинг январь-июнь ойлари давомида ажратилган **онлайн** кредитлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **26 фоизга** ортиб, микромолия ташкилотлари томонидан ажратилган кредитлардаги улуши **66 фоизга** етган.

Онлайн кредитлаш ҳажмининг кескин ошиши жисмоний шахслар томонидан “**Uzum Market**” электрон платформаси, “**Uzum Tezkor**” етказиб бериш хизмати ва “**Uzum Nasiya**”га уланган бошқа савдо шаҳобчалардан товар хом-ашё сотиб олишда, “Тезкоин” (5,6 трлн сўм) “Шаффоф-Молия” (2,3 трлн сўм) ва “Пейлейтер” (56 млрд сўм) микромолия ташкилотлари томонидан онлайн кредитлар ажратилиши билан изоҳланади.

6-чизма

Ажратилган онлайн ва офлайн кредитларнинг сегментацияси



Манба: Марказий банк маълумотлари

Микромолия ташкилотларида исломий молиялаштиришга оид “муробаҳа”, “исломий ижара”, “салам”, “мушорака” ва “музораба” хизматлари кўрсатилишига рухсат этилган.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида **3,9 млрд сўмлик** исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатилган бўлиб, ушбу кўрсатилган молиявий хизматларнинг барчаси “муробаҳа” хизматига тўғри келади.


“Микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 3536, 2024 йил 26 июль) қабул қилингандан сўнг, микромолия ташкилотларига исломий молиялаштиришга оид хизматларни кўрсатишга рухсат берилди.

Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдорлари бўйича сегментациясида 2025 йилнинг январь-июнь ойларида ажратилган кредитларнинг **60 фоизи 10 млн сўмгача** бўлган кредитларни, **10-20 млн сўмгача** ва **20-50 млн сўмгача** бўлган кредитлар улушининг ҳар бири **15 фоиздан** ва **50-100 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **10 фоизни** ташкил этган.

Ўтган бир йилда **10 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **14 фоизга**, **10-20 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **1 фоизга** ошган бўлса, **20-50 млн сўмгача** бўлган кредитлар **9 фоизга** ва **50-100 млн сўм** миқдоридagi кредитларда **6 фоизга** камайган.

7-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг миқдорлар бўйича тақсимланиши




Манба: Марказий банк маълумотлари

Юридик шахсларга ажратилган кредитлар миқдорлари сегментациясида **100-200 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **51 фоизни**, **200-300 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **30 фоизни**, **300 млн сўмдан юқори** бўлган кредитлар улуши **7 фоизни**, **50 млн сўмгача** ва **50-100 млн сўмгача** бўлган кредитлар ҳар бирининг улуши **6 фоизни** ташкил этган.

Жорий йилнинг II чораги якунида ўтган йилнинг ҳисобот санасига нисбатан **50 млн сўмгача** бўлган кредитлар **улуши 1 фоизга**, **300 млн сўмдан юқори** бўлган ажратилган кредитлар улуши **2 фоизга** ва **200-300 млн сўмгача** бўлган ажратилган кредитлар улуши **3 фоизга** ошган бўлса, **50-100 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **5 фоизга**, **100-200 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **1 фоизга** камайган.

8-чизма

Микромолия ташкилотлари томонидан юридик шахсларга ажратилган кредитларнинг миқдорлар бўйича тақсимланиши



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Жорий йилнинг ўтган олти ойи якунлари бўйича кўрсатилган микромолиявий хизматларнинг фоиз ставкалари.


Микромолия ташкилотларида жорий йилнинг июнь ойида ажратилган микроқарзларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси **60,2 фоизни** ташкил этиб, энг қуйи ва юқори черага 42-109,5 фоиз оралиғида шаклланган.

Микрокредитларда ўртача тортилган фоиз ставка **55,3 фоизни** ташкил этган бўлса, энг қуйи ва юқори черага 44,9-72 фоиз оралиғида шаклланган.

Жорий йилнинг июнь ойида ажратилган жами микроқарзларнинг 0,2 фоизи энг қуйи чегара – йиллик 42 фоиздан, **1,9 фоизи** энг юқори чегара – йиллик 109,5 фоиздан ажратилган бўлса, микрокредитларнинг 6,5 фоизи энг қуйи чегара (йиллик 44,9 фоиздан), **2,3 фоизи** энг юқори чегарада (йиллик 72 фоиздан) ажратилган.

9-чизма

Микромолия ташкилотлари томонидан маҳсулотлар кесимида ажратилган кредитларнинг йиллик ўртача тортилган фоиз ставкаси



Субъект турлари бўйича июнь ойида **жисмоний шахсларга** ажратилган микроқарзларнинг фоиз ставкалари 36-109,5 фоиз коридорида, **ЯТТ** ва **юрлик шахсларга** ажратилган микрокредитлар 41-60 фоиз коридорида шаклланган бўлиб, йиллик ўртача тортилган фоиз ставкалари мос равишда **59,9** ва **50,9 фоизни** ташкил этган.

Микромолия ташкилотлари томонидан субъект турлари бўйича йиллик ўртача тортилган фоиз ставкаси

Жисмоний шахслар



ЯТТ ва юридик шахслар



Ломбардлар томонидан июнь ойида жисмоний шахсларга ажратилган микроқарзларнинг фоиз ставкалари 60-109,5 фоиз коридорида шаклланган бўлиб, йиллик ўртача тортилган фоиз ставкаси **97,8 фоизни** ташкил этган.

2025 йилнинг июнь ойи давомида ломбардлар томонидан ажратилган микроқарзларнинг **0,1 фоизи** энг қуйи чегарага (йиллик 60 фоиздан) ва **48,2 фоизи** энг юқори чегарага (йиллик 109,5 фоиздан) тўғри келади.

Ломбардлар томонидан ажратилган микроқарзларнинг йиллик ўртача тортилган фоиз ставкалари




III. Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг асосий кўрсаткичлари динамикаси

3.1. Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг активлари қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,6 баробарга** ортиб, 2025 йил 1 июль ҳолатига **10 трлн сўм** доирасида шаклланди. Бунда, **микромолия ташкилотларининг** активлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,6 баробарга** (*3,9 трлн сўмга*) ўсиб, **9,4 трлн сўмга** етган бўлса, **ломбардлар** активлари **1,5 баробарга** (*193 млрд сўмга*) ошиб, **606 млрд сўмга** етган.

12-чизма


Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар активлари миқдори



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами активларининг **95 фоизи** (*9,5 трлн сўми*) кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келиб, активлар ўсиши асосан кредит қўйилмаларининг **1,6 баробарга**, хусусан микромолия ташкилотларида **1,7 баробарга**, ломбардларда **1,5 баробарга** ўсиши ҳисобига юзага келган. Натижада, 2025 йилнинг I ярим йиллик якунида микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредитларининг барча кредит ташкилотлар умумий кредит қолдиғидаги улуши **1,6 фоизга** етди.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредит қўйилмалари динамикаси




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан **жисмоний шахсларга** ажратилган кредитлар қолдиғи ўтган бир йилда 1,5 баробарга ошиб, **8,4 трлн сўмни**, шунингдек **юридик шахсларга** ажратилган кредитлар қолдиғи 3,8 баробарга ошиб, **1,1 трлн сўмни** ташкил этган.

Бунда, ЯТТ ва юридик шахсларга ажратилган **микрокредитлар** қолдиғи қарийб **4** баробарга кўпайиб, **1 трлн сўмга**, факторинг хизматлари ҳажми **4,1** баробарга ошиб, **124 млрд сўмга** етган бўлса, лизинг хизматлари ҳажми **40 фоизга** камайиб, **7,2 млрд сўмни** ташкил этган.


Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредит турлари қолдиғи (млрд сўм)

2024 йил 1 июль ҳолатига



■ микроқарз
■ факторинг
■ истеъмол кредитлари
■ микрокредит
■ лизинг

2025 йил 1 июль ҳолатига



■ микроқарз
■ факторинг
■ истеъмол кредитлари
■ микрокредит
■ лизинг

Микромолия ташкилотларида муаммоли кредитлар қолдиғи (NPL) жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 436 млрд сўм ёки 4,8 фоизни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 246 млрд сўм ёки 2,4 фоиз бандга ошган.

Бунда, йил бошига нисбатан “шубҳали” кредитлар 2,6 баробарга (253 млрд сўмга) ошган бўлса, “умидсиз” кредитлар 28 фоизга (7 млрд сўмга) камайган. Муаммоли кредитларнинг (NPL) 413 млрд сўми (96 фоиз) шубҳали, 18 млрд сўми (4 фоиз) умидсиз кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Мазкур муаммоли кредитлар ўсишининг 90 фоизи “Тезкойн” (142 млрд сўм) ва “Шаффоф-молия” (80 млрд сўм) микромолия ташкилоти ҳиссасига тўғри келган.

Муаммоли кредитларни қоплаш коэффиценти (NPL coverage ratio) жорий йил бошига нисбатан 5 фоиз бандга камайган ҳолда, 2025 йил II чораги якуни бўйича 52 фоизни ташкил этган.

15-чизма



Манба: Марказий банк маълумотлари

3.2. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар мажбуриятлари

2025 йилнинг I ярим йиллиги якунида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг жами мажбуриятлари **1,7 баробарга (2,9 трлн сўмга)** ошиб, **6,7 трлн сўмни** ташкил этган. Хусусан, микромолия ташкилотларининг мажбуриятлари **1,7 баробарга (2,8 трлн сўмга)** ошиб, **6,6 трлн сўмни**, ломбардларда эса **1,5 баробарга (39 млрд сўмга)** кўпайиб, **125 млрд сўмни** ташкил этган.

16-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар мажбуриятлари динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Микромолия ташкилотлари жами мажбуриятларининг **15 фоизи** (1 трлн сўм) таъсисчилар, **34 фоизи** (2,2 трлн сўм) тижорат банклари, **6 фоизи** (395 млрд сўм) халқаро молия институтлари, **26 фоизи** (1,8 трлн сўм) маҳаллий компаниялардан, **4 фоизи** (239 млрд сўм) облигацияларни жойлаштириш ва **15 фоизи** (994 млрд сўм) бошқа мажбуриятлар ҳисобидан шакллланган.

Бунда, мажбуриятлар таркибида таъсисчилар маблағлари **1,6 баробар** (384 млрд сўм), тижорат банклари ресурслари **1,2 баробар** (425 млрд сўм), халқаро молия институтлари маблағлари **1,4 баробар** (103 млрд сўм), маҳаллий компаниялардан жалб этилган маблағлар **5,1 баробар** (1411 млрд сўм) ва облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағлар **4,4 баробарга** (185 млрд сўм) ошган.

17-чизма

Микромолия ташкилотлари мажбуриятлар таркиби




Ломбардларнинг жами мажбуриятлари 2025 йил 1 июль ҳолатига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,5 баробарга** ошган ҳолда **125 млрд сўмни** ташкил этиб, унинг **56 фоизи** (70 млрд сўм) таъсисчилар, **17 фоизи** (21 млрд сўм) тижорат банкларидан жалб этилган маблағлар ва **28 фоизи** (35 млрд сўм) бошқа мажбуриятлар ҳисобидан шаклланган.

Бунда, ломбардлар жами мажбуриятлари таркибида таъсисчилар маблағлари **2 баробарга** (34 млрд сўм) ва тижорат банклари ресурслари **1,8 баробарга** (10 млрд сўм) ошган бўлса, бошқа мажбуриятлари **12 фоизга** (5 млрд сўм) камайган.

18-чизма

Ломбардлар мажбуриятлари таркиби



Манба: Марказий банк маълумотлари

3.3. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар капитали

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами капитали ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,4 баробарга** (911 млрд сўм) кўпайиб, 2025 йил 1 июль ҳолатига **3,2 трлн сўмга** етган. Бунда, **микромолия ташкилотларининг жами капитали 1,4 баробарга** (758 млрд сўм) ошиб, **2,8 трлн сўмни** ва **ломбардларда 1,5 баробарга** (153 млрд сўм) ўсиб, **481 млрд сўмни** ташкил этган.

Бунда, микромолия ташкилотларининг жами капитали ўсишида устав капиталининг **525 млрд сўм** (54%), жорий йил фойдаси **42 млрд сўм** (10%), захира капитали **45 млрд сўмга** (60%) ҳамда тақсимланмаган фойда **145 млрд сўмга** (28%) ошиши, ломбардларда эса устав капиталининг **58 млрд сўм** (60%), жорий йил фойдаси **26 млрд сўм** (32 фоиз), тақсимланмаган фойда **68 млрд сўм** (49 фоиз) ҳамда захира капиталининг **2 млрд сўмга** (18 фоиз) ўсиши ҳисобига юзага келган.

19-чизма


Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами капитали динамикаси



Шунингдек, 2025 йилнинг I ярим йиллигида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан хориж капитали иштирокидаги микромолия ташкилотларининг устав капитали **2,9 баробарга** (150 млрд сўм) ва ломбардларда эса **3,7 баробарга** (49 млрд сўм) ошган.


20-чизма

Устав капиталида хориж капитали мавжуд микромолия ташкилотлари



21-чизма

Устав капиталида хориж капитали мавжуд ломбардлар



Манба: Марказий банк маълумотлари

3.3.1. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар рентабеллик кўрсаткичлари

2025 йил январь-июнь ойлари якунлари бўйича микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг жами даромадлари **2,4 трлн сўмни**, жами харажатлари **1,9 трлн сўмни** ташкил этиб, жами **569 млрд сўм** миқдорида соф фойда олинган.

Бунда, **микромолия ташкилотларида** жами даромадлар **2,2 трлн сўмни**, жами харажатлар **1,7 трлн сўмни** ва соф фойда **462 млрд сўмни** ташкил этган бўлса, **ломбардларда** эса жами даромадлар **230 млрд сўмни**, харажатлар **123 млрд сўмни** ташкил этиб, **107 млрд сўм** миқдорида соф фойда олинган.

3.3.2. Активлар ва капитал рентабеллиги

Микромолия ташкилотларида активлар рентабеллик кўрсаткичи (ROA) 2024 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан **0,2 фоизга** камайиб, таҳлил санасида **19,7 фоизни** ташкил этган.


Шунингдек, **капитал рентабеллик кўрсаткичи (ROE)** 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **5,1 фоизга** камайиб, 2025 йилнинг I ярим йиллик якуний ҳолатига **39,8 фоизга** етган.

Мазкур ҳолат микромолия ташкилотлари соф фойдасининг активлар ва капитал кўрсаткичлари ўсиш суръатига нисбатан номутаносиб равишда ўсиши билан изоҳланади.

Бунда, микромолия ташкилотларининг жами ўртача активлари ва капитали 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 2025 йилнинг I ярим йиллигида мос равишда **1,7 баробар** ва **1,4 баробарга** ошган бўлса, соф фойданинг ўсиши **23 фоизни** ташкил этган.

22-чизма

Микромолия ташкилотларининг рентабеллик кўрсаткичлари динамикаси



Шу билан бирга, ломбардларда **активлар рентабеллик кўрсаткичи (ROA)** 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 фоизга камайиб, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига **55,3 фоизни** ташкил этган бўлса, **капитал рентабеллик кўрсаткичи (ROE)** ўтган йилнинг I ярим йиллигига нисбатан 0,5 фоизга ошиб, ҳисобот санасида **51,7 фоизга** етган.

23-чизма

Ломбардларнинг рентабеллик кўрсаткичлари динамикаси

